



Куръон Аллохнинг конунларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаслиги хусусида шундай хабар беради: **"Улар жон-жаҳдлари билан, агар ўзларига огохлантирувчи келса, ҳар қандай умматдан кўра хидоятли бўлишлари ҳақида Аллох номи ила қасам ичар эдилар. Қачонки огохлантирувчи келганида, уларда нафратдан бошқани зиёда қилмади. Ер юзида мутақаббирлик ва ёмон макр учун (қилдилар). Ёмон макр эса, факат ўз эгасига қайтадир. Улар факат илгаригиларнинг суннатиға интизор бўлмокдалар, холос. Аллохнинг суннатиға ҳаргиз бадал топа олмассан. Аллохнинг суннатиға ҳаргиз ўзгартириш топа олмассан** " (Фотир сураси, 42-43).

Ҳа, Аллохнинг суннати-конунида ҳеч қандай ўзгаришлик йўқдир. Унинг конунларига муҳолиф келган, Унга исён қилган айни илоҳий конунга тобеъ бўлур. Рим Империясида

насл бузилишининг рамзи бўлмиш Помпеи айнан Лут кавми каби жинсий бузукликларга ботиб кетиб, нихоят-окибати ҳам Лут кавмининг окибатидек бўлди.

Везувий вулкони, Италиянинг, хусусан Наполи шахрининг рамзидир. Такрибан икки минг йилдан бери сукутда бўлган Везувий "Ибрат тоғи" дея номлангадир. Везувийнинг бу тарзда номланиши беҳуда эмас. Машхур Содом ва Гоморра шахарларининг бошига келган фалокат билан Помпей фожиаси бир-бирига жуда ўхшамокдадир.

Везувийнинг гарб кияликларида Наполи, шарк кияликларида эса, Помпей шахри жойлашгандир. Тахминан икки минг йил аввал содир бўлган лава ва кул фалокати бу шахарлар ахолисини оний бир шаклда ушлаган. Фалокат шундай оний равишда бўлганки, ҳамма нарса икки минг йил аввалдагидек колган. Гўё вақт тўхтаб-котиб колгандек.

Помпейнинг бундай бир фалокат билан ер юзидан йўқотилиши беҳуда эмас, албатта.

Тарихий далиллар шуни кўрсатадики, йўқ килинмасдан олдин у ер айш-ишрат ва бузукликларнинг кок маркази бўлган. Шахарнинг энг кўзга ташланувчи

хусусияти-фохишаликнинг жуда ривожлангани эди. Хатто шу даражага етганки, шахардаги фохишахоналарнинг сонини биров аник билмаган. Фохишахона эшикларига табиий катталиқдаги эркак аъзолари осиб қўйилар эди. Асоси митра эътиқодига бориб такаладиган бу чиркин урф-одатга кўра, жинсий аъзолар ва жинсий алоқалар яширилмаслиги ва очик намониш этилиши лозим бўлган.

Бирок Везувийнинг лавалари бир онда бутун шахарни харитадан ўчирди. Ходисанинг энг гаройиб томони шуки, шахар хар кунги яшаш тарзи ичида гафлатда колаверган, Везувийнинг дахшатли портлашига карамай, ҳеч кимса коча олмаган, гўё сеҳрланиб, фалокатнинг фаркига ҳам бормаган. Овкатланиб ўтирган бир оила ўша онда қай ҳолатда бўлса, ўша холича тошга айланиб котиб колган.

Жинсий алоқа килиб турган холида тошга айланиб котиб колган жуфтлар канчадан-канча. Айникса, бу жуфтлар орасида ўзаро алоқада бўлган жинсдошлар, ёш ўғил ва киз болалар ҳам борлиги эътиборни тортади. Помпей колдикларидан чиқарилган, тош котиб колган инсон жасадларидан баъзиларининг юзлари ҳеч бузилмаган эди. Умуман, юз ифодалари хайрон коларли эди. Хатто баъзи юзларда кулги ифодаларига ҳам дуч келинди.

Фожианинг энг хайратда колдирувчи томони ҳам ана шундадир. Минглаб инсон ҳеч нарса кўрмасдан ва эшитмасдан гафлатда колгани, ўлимнинг уларни дархол ушлагани дарҳақиқат гаройиб! Бу жихат унинг Куръонда киссалари келтирилган ҳалокат воқеаларига ўхшаш эканини кўрсатади. Чунки Куръон ҳалокат воқеаларини тушунтирар экан, "бирдан йўқ бўлиш" дея изоҳлайди. Мисол учун, Ёсин сурасида англатилган "шахар халки" бир онда бутунлай ўлгандирлар. Суранинг 29-оятда бу ҳолат шундай баён қилинади: **"Факат биргина дахшатли кичкирик бўлди-ю баногоҳ улар "ўчиб" колдилар**."

Камар сурасининг 31-оятда Самуд кавмининг ҳалокати тушунтирилган бўлиб, яна "бир онда йўқ бўлиш" диққатни жалб қилади: **"Дарвоқеъ, Биз уларнинг устига бир дахшатли кичкирик юборган эдик, улар худди (қўйлари учун) кўра ясовчининг (кўрасидан тўкилган) хас-хашак каби бўлиб колдилар**."

Помпей халки ҳам, оятларда келган шаклда, "бир онда йўқ бўлиш"га учраган эди.

Бутун бу ибратли фалокатларга карамай, Помпейнинг эски ўрнида бугун ҳолат унчалик ўзгарган эмас. Наполининг ишратхоналари Помпейникидан қолишмайди. Капри ороли бачабозларнинг ва ялангочларнинг курорт масканлари ҳолатидадир. Капри ороли

туризм рекламаларида "Жинсдошлар (бачабозлар) жаннати" дея танитилмокда. Окибатда, минтака халкининг яна айна яшаш тарзини танлаганликлари кўриляпти. Факат Капри ёки Италияда эмас, балки дунёнинг деярли ҳар тарафи бугун шундай ахлокий бузуклик ичида яшамокда ва инсонлар ўтмиш кавмларнинг бошига келган фалокатлардан сабоқ-ибрат олмасликда ўжарлик килмокдалар.

"Кучоклашганлар" эркак бўлиб чикди

Вулкон окибатида ўн олти мингга яқин одам халок бўлди. XVIII аср ўрталаридан бошланган казиш ишлари тош бўлиб котиб колган мингдан ошик одамларнинг жасадларини топишга ёрдам берди. Буларнинг ичида ўлим уларни топган вақтида кучоклашиб ётган жуфтлик энг машхури бўлса керак. Кўп китобларда уларни "севишганлар", деб ҳам номлайдилар. Аввалига бу тош бўлиб колган жасадлар аёлларга тегишли деб ҳисобланар эди. Мазкур тошлар сакланадиган музей ходимлари ҳам буларни "Икки бокира" деб айтишарди.

Бирок, италиялик археолог ва антрополог Стефано Ванакоре (Stefano Vanacore) тарафидан кучоклашганларнинг суяк ва тиш колдикларидан олиб килинган ДНК таҳлилларидан кучоклашиб ётганларнинг иккитаси ҳам эркак бўлгани, биттасининг ёши ўн саккизда иккинчисининг ёши йигирмада бўлгани маълум бўлди.

Абу Муслим тайёрлади